

# “БОШ МИЯ ТУЗИЛИШИ ВА ФИЗИОЛОГИЯСИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИНГ ЎРНИ

Чориева Наргиза Мамаражабовна

Термиз давлат педагогика институти, Биология ва уни ўқитиш  
методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, (PhD)

**Аннотация.** Мақолада “бош мия тузилиши ва физиологияси мавзусини ўқитишда интерфаол таълим методларининг ўрни, ахамияти ҳақида батафсил маълумот келтирилган

**Калит сўзлар.** «Ҳимояга ким чиқади»; «Тез саволга — тез жавоб»; «Тармоқлар (Кластер)»; «Аклий ҳужум»; «Матнни давом эттир»; «Домино»; «Рақамли диктант»

**Аннотация.** В статье представлена подробная информация о роли и значении интерактивных образовательных методов в преподавании предмета «Строение и физиология мозга».

**Ключевые слова.** «Кто встанет на защиту»; «Быстрый вопрос – быстрый ответ»; «Сети (Кластер)»; «Мозговой штурм»; «Продолжить текст»; "Домино"; «Цифровой диктант»

**Abstract.** The article provides detailed information about the role and significance of interactive educational methods in teaching the subject “Structure and Physiology of the Brain”.

**Keywords.** “Who will stand up for defense”; "Quick question - quick answer"; "Networks (Cluster)"; "Brainstorm"; “Continue text”; "Domino"; "Digital dictation"

Илмий техник тараққиёт XXI аср охирига келиб фақатгина кўплаб ишлаб чиқариш соҳаларини технологиялаштиришга сабаб бўлиб қолмай, балки маданият соҳасига, билимлар соҳаларига ҳам кириб келди. Бугунги кунда биз энди ахборот, тиббиёт технологиялари ҳақида гапирамиз, шу жумладан таълим соҳасида ҳам.

Олий таълим тизимининг асосий мақсади — барча соҳаларда етук мутахассис шахсни тайёрлаш, унинг ижодий, рухий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш ҳамда ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам фаол фуқарони тарбиялашдир. Олий таълим тизимидаги асосий вазифалардан бири ўқув жараёнига педагогик инновацион усуллар ва ахборот-коммуникация технологияларни жорий қилиш орқали замон талабига мувофиқ таълим бериш жараёнини кескин ўзгартириш бўлиб, унинг асосини олий таълим тизимида ўқитилаётган фанларнинг услубий тизимларини яратиш ташкил этади. Таълимнинг интерфаол методларидан ҳар бир босқичда талабанинг ўзига хос психологик хусусиятлари, тафаккур тарзини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш, аниқ бир талабалар аудиториясининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш ўқитувчидан катта педагогик маҳоратни талаб қилади. Хусусан: «Ҳимояга ким чиқади»; «Тез саволга — тез жавоб»; «Тармоқлар (Кластер)»; «Ақлий ҳужум»; «Матнни давом эттир»; «Елпигич»; «Домино»; «Рақамли диктант» каби методлар олий таълим тизимида ҳам муваффақиятли қўлланиб келинмоқда ва улардан дарс жараёнида фойдаланиш эса талабаларни дарсга нисбатан қизиқишини оширади.

Ўқитувчи талабанинг талаб ва эҳтиёжларига кўра таълим технологияларига аста-секин мураккаб элементларни киритган ҳолда оқилона қўллай билиши лозим. Ҳар бир педагог шуни доимо ёдда тутиши керакки, ҳозирги замон тарбиясининг барча жараёнлари талабаларни таҳлил қилиш, мустақил фикрлаш ва ижод қилишга йўналтирилмоғи лозим. Бунда талаба аудиторияда ўзини эркин ҳис қилиши, ўқув фаолияти эмотсионал жиҳатдан қониқтириши лозим, ана шундагина у ўзининг фикрларини эркин баён қила олади. Олий таълим тизимида кенг кўламда қўлланиладиган интерфаол усуллар бир қанча бўлиб, қайси методни танлаш ўқитувчининг ўтаётган мавзуси ҳамда дарснинг мақсадига боғлиқ. Айрим методик усуллардан бири «Ҳимояга ким чиқади?» ҳисобланади. Гуруҳ талабалари 12 нафар бўлса, улар иккита кичик гуруҳларга бўлинадилар. Гуруҳларда иш

олиб борилганда химояга ёки жавоб беришга гуруҳ номидан иқтидорли, аълочи, фаол талаба чиқади ва қолган талабалар унинг панасида қолиб кетади, бироқ гуруҳларда ишлаш қондасига кўра гуруҳ жавобига берилган баллар барча талабаларга қўйилиши керак. Жавоб беришга тайёр ўқувчининг эса бўш ўзлаштирувчи билан иши йўқ, бунинг олдини олиш учун ким жавоб беришга чиқиши қуръа ташлаш йўли билан амалга оширилади. Бунинг учун кичик қоғозларнинг биттасига «Жавоб бер» деб ёзилади, қолганлари бўш қолади.

«**Ақлий ҳужум**» методи кўпроқ муаммоли вазиятларни ҳал қилишда қўлланилади. Бу усул ўқувчиларни фаолликка ундайди, масалан: Ҳурматли талабалар, нима деб ўйлайсизлар, Бош мия тузилиши ва физиологияси мавзусида нималарни ўрганасизлар? Саволга турли хил жавоблар бўлиши мумкин, барча талабаларнинг фикри эшитилади. Ўқитувчи эса ўзининг таҳлилий фикрини бериб, талабаларнинг тўғри хулоса чиқаришларига кўмаклашади, талабаларнинг фикрлари танқид қилинмайди. Ақлий ҳужумнинг вазифаси барчанинг диққатини бир мавзуга қаратиш, уларнинг шу мавзуга чуқурроқ кириб боришига имкон яратиш ва фаоллаштиришдан иборат. Талабаларни дарсга қизиқтириш, уларнинг фикрларини тинглаш, жавоб берганларга «**Раҳмат**», «**Баракалла**», «**Яна қандай фикрлар бор?**» деб рағбатлантирувчи сўзлар билан қўллаб-қувватлаб туриш барча ўқувчиларни фаоллаштиради.

Юқорида келтирилган барча методик технологиялардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, интерфаол усуллардан фойдаланиб дарс ўтилганда гуруҳда қолоқ, ўзлаштирмайдиган талаба қолмайди. Деярли барча талабалар дарс жараёнига жалб этилиб, уларнинг дарсга қизиқишлари ортади. Бундай дарслар талабаларнинг мустақил билим олишлари мутахассисликларини чуқурроқ ўрганишларига, айниқса, русийзабон гуруҳи талабаларининг сўз бойликларини кўпайтиришларига катта ёрдам беради.

Демак, педагогик технология – талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Таълим жараёнида ўқитувчининг асосий вазифаси ўрганиладиган мавзунинг, мазмунидан келиб чиққан ҳолда энг юқори самара берадиган ўқитиш воситаларини танлай олишидир. Ўқитиш воситаларининг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамиятини қуйидагича ифодалаш мумкин:

-талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришга, моддий оламни билиш ва оламни ўрганиш методларини эгаллашга, кузатиш ва тажриба қўйиш орқали илмий-тадқиқот олиб боришга замин тайёрлайди;

-талабаларда тушунчаларни шакллантириш жараёнининг самарадорлигини орттиришда мазкур жараённинг барча босқичлари: ўқув материални сезги органлари орқали қабул қилиш, идрок этиш, тасаввур қилиш, эсда сақлаш, амалда қўллаш ва натижаларни текширишда фойдаланиш кўзланган натижани беради;

-талабаларда кўникмаларни таркиб топтириш босқичларида ўқитиш воситалари ҳам мазмун, ҳам иш қуроли сифатида майдонга чиқади.

Биологияни ўқитишда оғзаки баён, кўргазмали ва амалий методлар билан биргаликда ҳамкорликда ўқитиш, муаммоли изланиш ва мантиқий методлардан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Муаммоли таълим технологиялари талабаларда ижодий фаолият тажрибаларининг шаклланишига имкон яратади. Муаммоли дарсларнинг дидактик мақсади қуйидагилардан иборат:

- талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларини муаммони ҳал этишда ижодий қўллаб, янги билимларни эгаллаш кўникмаларини шакллантириш;

Мунозарали дарслар ҳам муаммоли таълим технологиясига асосланади.

Бу дарсларнинг дидактик мақсади қуйидагилардан иборат:

- талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш орқали таҳсил олишга ва фанга қизиқишларини орттириш, билимларини кенгайтириш;

- талабаларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини одатий, таниш ва кутилмаган янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни эгаллашга эришиш;
- талабаларнинг билимидаги мавҳум тушунчаларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, билим олишга бўлган интилишини ривожлантириш;
- талабаларнинг нутқини ўстириш, ўз фикрини тўғри баён қилиш ва уни далиллаш кўникмаларини ҳосил қилиш.

### **ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР:**

Биология соҳасидаги фанларни ўқитишда таълимнинг анъанавий турлари билан бир қаторда янги педагогик технологиялардан, табиий кўргазмали воситалар билан бирга тасвирли кўргазма воситаларидан ҳам унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

«Одам анатомияси ва физиологияси» фанидан ўтиладиган маъруза ва амалий машғулотларда самарали натижаларга эришиш учун педагогик технологиялар ва интерфаол методлардан янада кенгроқ фойдаланиш зарур.

Педагогик технологиялар ва методлардан биология тизимидаги бошқа фанларни ўқитишда ҳам фойдаланишни тавсия қиламиз.

Моҳир, тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини кенг миқёсда оммалаштириш лозим.

### **Фойдаланилаган адабиётлар**

1. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия». 2004.
2. «Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004.
3. Baxriddinova R. U., Musurmonovich F. S. Distance Learning System in Educational System Instead, and Significance //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2023. – Т. 21. – С. 11-13.
4. Алматов К.Т., Алламурастов Ш.И. Одам физиологияси. -Т.: Университет. 2004.